

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТҮҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 5-сон, 23-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 5-сон, 20-модда; 13-сон, 88-модда; 2004 й., 7-сон, 80-модда; 2005 й., 3-4-сон, 26-модда; 2006 й., 46-47-сон, 458-модда; 2007 й., 31-32-сон, 323-модда; 2009 й., 10-11-сон, 115-модда; 2010 й., 21-сон, 162-модда; 2016 й., 17-сон, 176-модда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солик хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш түғрисида» 2000 йил 13 марта даги 87-сон қарорини бажариш юзасидан ва давлат солик хизмати органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Қуйидагилар:

(1-банднинг иккинчи хатбошии Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

(1-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 291-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚҲТ, 2001 й., 13-сон, 88-модда)

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Режим ва Кадрлар бош бошқармаси түғрисидаги **Низом** 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси түғрисидаги **Низом** 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси давлат солик органларида хизматни ўташ түғрисидаги **Низом** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари түғрисида» 1998 йил 12 январдаги 14-сон қарорига қуйидаги ўзгартиришлар киритилсан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ҳузуридаги Эксперт Кенгаши түғрисида Низомнинг **8-бандидаги** «биринчи» сўзи чиқариб ташлансан.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан:

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССЖ давлат солик органлари ҳакида» 1991 йил 12 августдаги 217-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари түғрисида» 1998 йил 12 январдаги 14-сон қарори 4-бандининг **иккинчи хат боши**;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш түғрисида» 1999 йил 14 сентябрдаги 427-сон қарорига илованинг **9-банди**.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.С. Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2000 йил 5 май,
180-сон

(1-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

(2-илова Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 291-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР ҚҲТ, 2001 й., 13-сон, 88-модда)

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил
5 майдаги 180-сон қарорига
3 ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг
Режим ва кадрлар бош бошқармаси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Режим ва кадрлар бош бошқармаси (кейинги ўринларда — Бош бошқарма деб аталади)нинг вазифалари, функциялари, ҳукуқи ва жавобгарлигини белгилайди.

1.2. Бош бошқарма Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 13 марта 87-сон қарори билан ташкил этилган таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

1.3. Бош бошқарма Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг режим ва кадрлар бўйича ўринбосари бўйсунувида бўлади. Бош бошқарма тузилмаси ва штатдаги ходимлари сони Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

Бош бошқарманинг минтақавий бўлинмалари Давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг режим ва кадрлар билан ишлаш бўйича ўринбосарларига ва Давлат солиқ қўмитаси раисининг режим ва кадрлар бўйича ўринбосарига бўйсунадилар.

(1.4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР КҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

1.4. Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда мазкур Низомга амал қиласи.

(1.4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР КҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

II. Бош бошқарманинг асосий вазифалари

2.1. Қуйидагилар Бош бошқарма ва унинг минтақавий бўлинмаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) кадрлар бўйича:

кадрларни танлаш ва жойи-жойига қўйиш тадбирларини уларнинг ахлоқий ҳамда ишчанлик фазилатларига, амалий иш тажрибаларига мувофиқ амалга ошириш;

кадрларни танлаш билан боғлик ишларнинг самарали шакллари ва устунларини жорий этиш;

солиқ органлари тизимидағи раҳбарлик лавозимлари учун малакали захирани шакллантириш;

касбий тайёргарлик ва ҳуқуқий онгнинг юқори даражасига эришиш мақсадида солиқ органлари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва малакасини ошириш;

солиқ органларининг барча бўлинмаларида ахлоқий муҳитни яхшилаш;

давлат солиқ хизмати органлари ходимлари билан иш олиб боришни назарда тутувчи олдини олиш-профилактика тадбирлари тизими ташкил этиш;

давлат солиқ хизмати органларининг асосий функциялари ва вазифаларига мувофиқ солиқ органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқитиш тизимини доимо такомиллаштириб бориш, солиқ органлари тизими таълим комплексларини ташкил этиш;

Давлат солиқ құмитасининг ўқув тузилмаларини солиқ органларининг ва бошқа вазирликтер ҳамда идораларнинг етакчи мутахассисларидан иборат юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш;

солиқ органлари тизимиға қиравчы ўқув муассасалари учун илмий асосланған ўқув дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

кадрлар таркиби билан ишлешүү учун маълумотларнинг норматив, ахборот компьютер базасини яратып кадрларни шакллантириш, ўқитиш (тайёрлаш, қайта тайёрлаш) ишлери бўйича барқарор, изчил, узлуксиз жараённи таъминлаш;

б) режим, хавфсизлик, шунингдек, солиқ органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича:

солиқ органлари фаолияти хавфсизлиги шунингдек, уларнинг ходимларини хизмат мажбуриятларини бажараётгандаридан ғайриконуний тажовузлардан ҳимоя қилишини таъминлаш;

солиқ органлари айрим мансабдор шахсларининг солиқ тўловчиларга конунга хилоф равища таъсир қилишлари механизмларини ўрганиш ва уларни аниқлаш;

солиқ органларида коррупция фактларини аниқлаш, бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, уларни ташкил этиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

давлат солиқ хизмати органларининг коррупциялашувига олиб келувчи ғайриконуний ҳаракатларга барҳам бериш чора-тадбирларини амалга ошириш;

в) давлат солиқ хизмати органларининг солиқ қонунчилигига риоя қилишлари ва уларнинг молия-хўжалик фаолиятлари устидан назорат ўрнатиш бўйича:

давлат солиқ хизмати органларининг солиқ қонунчилигига риоя қилишлари устидан назоратни амалга ошириш;

давлат солиқ хизмати органлари томонидан молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётгандан ҳуқук бузилишларининг олдини олиш мақсадида профилактика ишларини олиб бориш;

давлат солиқ хизмати органларининг молия-хўжалик фаолияти ва уларнинг ўз функционал вазифаларини бажаришлари устидан назоратни амалга ошириш.

III. Бош бошқарманинг функциялари

3.1. Бош бошқарма зымасига юкланған вазифаларга мувофиқ қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

а) кадрлар бўйича:

давлат солиқ хизматининг ҳудудий органларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ишларини ташкил этади, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади;

давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг лавозим малака тавсифномаларини ишлаб чиқади, раҳбарлар, мутахассисларни аттестациядан ўтказиш ва уларга маҳсус унвонлар бериш учун материаллар тайёрлайди;

давлат солиқ хизмати органларининг раҳбар кадрлари билан иш олиб боради, уларни тўғри танлашни ва жой-жойига қўйишни, ахлоқий ҳамда ишчанлик фазилатларини ўрганишни таъминлайди;

шаҳар ва туман солиқ инспекциялари раҳбарларини алмаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди, белгиланған тартибда раҳбарлик ишларига кўтариш учун кадрларнинг жорий ва истиқбол захирасини шакллантиради;

давлат солиқ хизмати органларини кадрлар билан тўлдириш ва ходимларнинг сифат таркибини яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширади, кадрларга бўлган эҳтиёжни режалаштиради, бўлинмаларни мутахассислар билан тўлдириш манбаларини белгилайди;

давлат солиқ хизмати органлари учун мутахассислар тайёрлашда солиқ коллежлари, олий ва ўрта маҳсус ўқув муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик қиласи, ўқув

жараёнида солиқ хизмати раҳбарлар таркиби ва етакчи мутахассисларининг қатнашишларини таъминлайди;

давлат солиқ хизмати органларининг ўқув бўлинмаларига ташкилий ва услубий раҳбарлик қиласи, ходимларни ўқитишнинг маъно-моҳиятини, шакллари ва усулларини белгилайди;

давлат солиқ хизматида ахлоқий даражани ошириш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади, ходимларни ватанпарварлик руҳида, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий руҳда тарбиялаш ишларини олиб боради;

кадрлар кўнимсизлиги ва уларнинг алмашинувини камайтириш, мутахассисларнинг ишда жойлашиб келишини таъминлаш чора-тадбирларини олиб боради;

б) режим ва хавфсизлик, шунингдек, солиқ органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича:

солиқ органлари айрим мансабдор шахсларининг солиқ тўловчиларга қонунга хилоф равища таъсир қилишлари механизмларини ўрганади ва уларни аниқлайди;

солиқ органларида коррупция фактларини аниқлаш, бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади, ташкил қиласи ва уларни амалга оширишда қатнашади;

солиқ органларида коррупция фактлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштиради ва таҳлил қиласи, профилактика тадбирларини олиб боради;

тезкор ахборотнинг асослилигини текшириш бўйича тадбирлар ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органлари биноларига ёки давлат солиқ хизмати органлари томонидан текширув олиб борилаётган юридик ва жисмоний шахслар эгаллаб турган биноларга ҳеч қандай тўсиқларсиз кириб боради;

давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахслари томонидан ўз вазифаларининг совуққонлик билан бажарилиши ҳолларини аниқлаш мақсадида қонун хужжатларига мувофиқ назорат тартибдаги текширишларни ташкил этади;

ахборотлар олишни таъминлайди, мазкур тизимда коррупцияга олиб келувчи воқеалар ёки солиқ органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги ахборотлар устида ишлайди ва уларни таҳлил қиласи;

Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида белгиланган тартибда, берилган ҳуқуклар доирасида давлат солиқ хизмати органлари хавфсизлигини, солиқ органлари ходимларини ҳимоя қилишни таъминлайди;

солиқ органларининг чет элларга жўнаб кетаётган, шунингдек, хорижий давлатларнинг вакиллари билан ишлаётган ходимлари билан режим тадбирларини амалга оширади;

давлат сирлари сақланишини таъминлаш, махфийлик режимига риоя қилиш, хизмат ахборотини ва компьютер тармоқларини ҳимоя қилиш тадбирларини олиб боради;

давлат солиқ хизмати органлари тизимида объектнинг ички режимини мустаҳкамлаш тадбирларини олиб боради;

ишга тавсия қилинаётган шахсларни қонунда белгиланган тартибда ўрганиб чиқади, коррупциялашган ва жиноятчи элементларнинг, ўзларининг ахлоқий ва ишчанлик сифатлари билан Давлат солиқ қўмитаси тизимида ишлашга нолойиқ шахсларнинг солиқ органларига кириб қолишларига барҳам бериш чора-тадбирларини кўради;

в) қўйи солиқ органлари мансабдор шахсларининг солиқ қонунчилигига риоя қилишлари ва уларнинг молия-хўжалик фаолиятлари устидан назорат ўрнатиш бўйича:

қўйи солиқ органларининг молия-хўжалик фаолиятини, смета мақсадларидағи ҳисоб-китобларнинг асосланганлиги, сметаларнинг бажарилиши, маблағлардан ўз ўрнида фойдаланилиши, маблағларнинг тежаб-тергаб сарфланиши ва уларнинг сақланиши, молия интизомига риоя қилиниши ва бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ҳамда бюджет бўйича ҳисобот тузишнинг тўғрилиги масалаларини тафтиш қиласи;

куйи солиқ органларида ўтган тафтиш натижалари бўйича аниқланган камчиликлар ва бузилишларни бартараф этишга доир ишларни ташкил этади, шунингдек, давлатга етказилган моддий заарни қайтариш чора-тадбирларни кўради;

куйи солиқ органлари томонидан моддий ресурслар ва пул ресурсларидан оқилона фойдаланиш, хўжасизлик, давлат маблағларини талон-торож қилиш, ўринсиз ва мақсадсиз сарфлаш, смета интизоми бузилишлари ҳолларига бархам бериш ва уларнинг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлайди;

куйи солиқ органларида дастлабки ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисботини ташкил этиш, ҳисобга олишни механизациялаш, бухгалтерия ҳисботини юритишнинг тўғрилигини ҳамда ишончлилигини такомиллаштиришга доир тадбирларни амалга оширади;

давлат солиқ хизмати органларида солиқ қонунчилиги ҳужжатларини қўллашда қонунийликни таъминлаш ва уларга риоя қилиниши бўйича тадбирларнинг ўтказилиши устидан назоратни амалга оширади.

IV. Бош бошқарманинг хуқуқлари

4.1. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва бажарадиган функцияларига мувофиқ қуйидаги хуқуқларга эгадир:

давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказиладиган барча тадбирларда белгиланган тартибда иштирок этиш;

солиқ органларининг ҳам барча тизимиға ҳам айрим таркибий бўлинмаларига, худудий органларига дахлдор масалаларни Давлат солиқ қўмитаси раисига ва Ҳайъатга кўриб чиқиш учун тақдим этиш ва улар кўриб чиқилаётганда иштирок этиш;

ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида бошқарув иш услуби ва усуllibарини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва раҳбариятнинг кўриб чиқиши учун тақдим этиш;

давлат солиқ хизмати телекоммуникация воситаларида ва компьютер технологияларига уларни муҳофаза қилиш тадбирларини таъминлаш учун кириш хуқуқига эга бўлиш;

суюистеъмолликлар ва бошқа хуқуқбузарлик ҳоллари тўғрисидаги шикоятларни, хатларни, оммавий ахборот воситаларида берилган хабарларни текширишни амалга оширади;

солиқ органларининг мансабдор шахсларидан маълумотномалар, тушунтириш хатлари ва хизматга оид бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

бошқа идоралар, муассасалар ва ташкилотлардан давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг, хизмат фаoliyatlari масалалари бўйича ахборотларни белгиланган тартибда олиш;

маҳаллий ахборот тармоқларидан фойдаланиш ва ўз маълумотлар базасини яратиш;

маълумотларни бузиб кўрсатишга солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни тўлашга, шунингдек, бюджет маблағларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий муҳофаза, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар маҳсус жамғармаси маблағларини сарфлашга алоқаси бўлган ҳар қандай ҳужжатлардан фойдаланиш хукукига эга бўлиш;

(4.1-банднинг ўнинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-мода)

текширишлар ҳамда тафтишлар материалларини хукуқни муҳофаза қилиш органларига бериш учун давлат солиқ хизмати органлари ва солиқ тўловчилардаги ҳужжатларни қонунда белгиланган тартибда олиб қўйиш;

тафтишлар ва текширишлар ўтказишда аниқланган хуқуқбузарликлар ва камчиликлар бўйича давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларидан ва мутахассисларидан тушунтириш хатлари олиш.

4.2. Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларига «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси **Қонунида** белгиланган бошқа ҳуқуқлар ҳам берилади.

V. Жавобгарлик

5.1. Бош бошқарма ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

5.2. Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари:

ўзининг функционал вазифаларини бажармаганлиги ёхуд зарур даражада бажармаганлиги;

мазкур Низом ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаганлиги;

раҳбарият топшириқларининг ўз вақтида амалга оширилиши устидан зарур назоратни таъминламаганлиги;

ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга моддий ва маънавий зарар етказганлиги;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ бўлмаган қарорлар қабул қилганлиги;

хуқуқни бошқача тарзда бузганлиги учун жавоб беради.

VI. Бош бошқарма фаолиятини ташкил этиш

6.1. Бош бошқарма тузилмаси ва ходимлари сони Давлат солик қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади.

Бош бошқарма.

Кадрлар билан ишлаш бошқармаси;

(6.1-бандининг учинчи хатбоши *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 авгуустдаги 168-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 31-32-сон, 323-модда)*

Хавфсизлик ва давлат солик хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш махсус бошқармаси.

Солик органларининг махсус назорат-тафтиш бошқармасидан таркиб топади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармаларида хавфсизлик ва солик органларида коррупцияга қарши курашиш бўлимлари, Кадрлар бўлимлари ва назорат-тафтиш ишлари махсус бўлимлари ташкил этилади.

6.2. Бош бошқарма Давлат солик бошқармалари тегишли минтақавий бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширади. Бош бошқарма, минтақавий бўлинмалар фаолияти Давлат солик қўмитаси режаларига ва марказий аппаратда Давлат солик қўмитаси раисининг режим ва кадрлар билан ишлаш бўйича ўринбосари ҳамда жойларда Давлат солик бошқармаси бошлиқларининг режим ва кадрлар билан ишлаш бўйича ўринбосарлари томонидан тасдиқланадиган иш режаларига мувофиқ амалга оширилади.

(6.2-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)*

6.3. Бош бошқарма бошлиғи ва бошқармалар бошлиқлари Давлат солик қўмитаси раиси томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар. Бош бошқарманинг минтақавий бўлинмалари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари бошлиқларининг тақдимномаларига биноан Давлат солик қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

(6.3-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)*

6.4. Бош бошқарма ходимларига тадбиркорлик фаолиятининг ҳар қандай тури билан шуғулланиш, корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда ўриндошлиқ бўйича ишлаш тақиқланади, илмий ва ижодий фаолият, ўқитувчилик фаолияти бундан мустасно.

6.5. Бош бошқарма ўзининг функционал вазифаларини Давлат солик қўмитасининг бошқа таркибий бўлинмалари билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг тегишли вазирлеклари ва идоралари билан ҳамкорликда бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил
5 майдаги 180-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Бош Назорат-тафтиш бошқармаси (кейинги ўринларда — Бош бошқарма деб аталади) фаолиятига тегишли бўлган вазифаларни, функцияларни, хукуқ ва масъулиятни белгилайди.

1.2. Бош бошқарма Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солик хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 13 марта 87-сон қарори билан ташкил этилган таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

1.3. Бош бошқарма Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси раисининг ўринбосарига бўйсунади. Бош бошқарма тузилмаси ва унинг штатдаги ходимлари сони Давлат солик қўмитаси раиси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

(1.3-банднинг биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 августандаги 168-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2007 й., 31-32-сон, 323-модда)

Бош бошқарма Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Давлат солик бошқармаларида ўз фаолиятида бевосита унга бўйсунадиган назорат-тафтиш бўлинмаларига эга бўлади.

1.4. Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда мазкур Низомга амал қиласди.

(1.4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

1.5. Бош бошқарма ходимларини тайинлаш, лавозимга кўтариш ва бошқа лавозимга ўтказиш Давлат солик қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Давлат солик қўмитаси раиси томонидан амалга оширилади.

II. Бош бошқарманинг асосий вазифалари

2.1. Қуйидагилар Бош бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини соликقا оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан ҳужжатлар асосида текшириш (тафтиш)ларни ҳамда Ҳукумат қарорлари билан назорат солик органларига юкланган масалалар бўйича назорат тартибидаги текширишларни белгиланган тартибда ташкил этиш ва ўтказиш;

хўжалик юритувчи субъектлардан ундириладиган соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни (кейинги ўринларда соликлар деб аталади) ҳисоблаб чиқаришда, ундиришда қонунийликка риоя қилиниши, тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва бюджетга ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш;

(2.1-банднинг учинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 марта даги 63-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2009 й., 10-11-сон, 115-модда)

соликка доир ҳуқуқбузишларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш, уларга бархам бериш;

солиқ мажбуриятларини бажаришда хўжалик юритувчи субъектларга ёрдам кўрсатиш;

Давлат солик қўмитасининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектларни комплекс текширишларнинг истиқболи режаларини тайёрлаш, текширишлар ўтказиладиган объектларни аниқлаш ва уларни амалга ошириш;

хўжжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишларни ўтказиш жараёни ҳамда тартиби устидан назорат ўрнатиш, шунингдек, уларни ўтказишда (барча даражадаги солик органларига) амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

давлат солик хизмати органлари томонидан текширишлар материаллари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарорлар қабул қилиниши ва молиявий санкциялар кўлланилиши устидан назорат ўрнатиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳужжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишлар яқунлари бўйича бюджет олдирадиги мажбуриятларнинг бажарилиши (қўшимча ҳисобланган суммалар, молиявий санкциялар, маъмурий жарималар ва шу кабиларнинг ундирилиши) устидан назорат ўрнатиш;

хўжжатлар асосида, ва назорат тартибидаги текширишлар натижасида аниқланган солик қонунчилиги бузилишлари ва бошқа фактлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

фуқароларнинг солик қонунчилиги бузилишлари фактлари тўғрисидаги хатлари, шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиши.

III. Бош бошқарманинг функциялари

3.1. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни бажаради:

солиқ қонунчилигига риоя қилиниши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқлиги ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси ва солик қонунчилиги соҳасидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширади;

Бош бошқарманинг ҳудудий назорат-тафтиш бўлинмаларининг, солик бошқармалари ва солик инспекцияларининг ҳужжатлари асосида ҳамда назорат тартибидаги текширишларни ташкил этиш ва ўтказишга доир фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қиласи, ишларни улар билан ҳамкорликда олиб боради;

белгиланган тартибда, Давлат солик қўмитаси иш режасига мувофиқ, Давлат солик қўмитасининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар, банклар бўлинмаларининг, шунингдек, мулкчилик шакли ва фаолият туридан қатъи назар, бошқа хўжалик юритувчи молия-хўжалик фаолиятини ҳужжатлар асосида комплекс ва назорат тартибидаги текширишларни ташкил этади ҳамда ўтказади, уларнинг натижалари бўйича тегишли ахборотлар ва маълумотномалар тайёрлайди;

мулкчилик шакли ва фаолият туридан қатъи назар, солик қонунчилигини қўпол равишда бузаётган ва солик органларида ҳисобда туришдан ва солиқларни тўлашдан бўйин товлаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини белгиланган тартибда ҳужжатлар асосида текширади;

ҳужжатлар асосида текширишлар давомида содир этилган операцияларнинг қонунийлигини ва тўғрилигини, ҳужжатларнинг асллигини, улардаги ҳисоб-китобларнинг арифметик жиҳатдан тўғрилигини, ҳужжатларнинг ҳисбот ва бухгалтерия ҳужжатларининг белгиланган шаклларига мослигини аниқлаш учун назоратни амалга оширади;

хужжатлар асосида текширишлар давомида амалга оширилган операцияларнинг амалда содир этилганлигини, хужжатларда кўрсатиб ўтилган пул маблағлари ва моддий бойликларнинг амалда олинганлигини ёки берилганлигини, ишлар, хизматларнинг амалда бажарилганлигини ёки кўрсатилганлигини текширади;

хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ва моддий бойликларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини, корхоналарда моддий бойликларни корхоналар худудига келтириш ва унинг худудидан олиб кетишда руҳсатнома тизими ишини ташкил этишнинг аҳволини текширади;

хужжатлар асосида текширишлар давомида ҳисбот маълумотларининг ишонччилигини, солиқ органларига тақдим этилган ҳисоб-китобларни бузиб кўрсатувчи кўшиб ёзишлар ва ҳар турли хатоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун бухгалтерия ҳисботлари ва балансларини счётлар бўйича текширади;

тафтиш қилинаётган ташкилотда мавжуд бўлган ёзувларни, хужжатлар ва маълумотларни пул маблағлари, моддий бойликлар ва хужжатлар олинган ёки берилган ташкилотлардаги тегишли ёзувлар, хужжатлар ва маълумотлар билан солиштириб чиқкан ҳолда белгиланган тартибда муқобил текширишлар ўтказади;

хужжатлар асосида текширишлар давомида тафтиш қилинаётган хўжалик юритувчи субъектда мавжуд бўлган тўлов хужжатлари нусхаларини мазкур топшириқни бажарган банк муассасасида сакланаётган асл тўлов хужжатлари билан солиштириб чиқади;

хужжатлар асосида текширишлар давомида хом ашё, материаллар, ярим фабрикатлар ва тайёр буюмларни тортиб кўради ва ўлчайди, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ва тақдим этилган солиқ ҳисоб-китобларининг тўғрилигини аниқлаш учун хом ашё ва материаллар сарфи нормалари, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун тўғри ҳисобдан чиқарилишини, тайёр маҳсулот тўлиқ кирим қилинишини маҳсулот чиқиши нормалари ҳамда моддий бойликларни саклаш ва ташишдан табиий йўқотишлар нормалари тўғри белгиланишини аниқлаш учун хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришда назорат тариқасида ишлатиб кўради, хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотларни назорат тариқасида текширади;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва давлатга солиқ тўлашдан, савдо ва хизматлар кўрсатиш, акциз солиғи солинадиган алкоголли ҳамда тамаки маҳсулотларини сотиш ва маркалаш қоидаларига риоя қилишдан бўйин товлаётган хўжалик юритувчи субъектларни аниқлаш юзасидан назорат тариқасида текширишларни амалга оширади;

аҳоли билан пул ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат-касса аппаратларини қўллашга доир қонун хужжатларига риоя қилиниши, назорат-касса аппаратларидан фойдаланган ҳолда олинган нақд пул маблағларининг тўлиқ кирим қилиниши устидан доимий ва амалий назоратни амалга оширади;

ишлаб чиқариш ва тегишлича даромад ҳажмларини яшириш, сотилган маҳсулот, кўрсатилган хизматлар ҳажмларини камайтириб кўрсатиш, моддий харажатларни асосиз равишда ҳисобдан чиқариш ёки сунъий равишда кўпайтириш ёхуд моддий, ёқилғи-энергетика ресурслари сарфи нормативлари (лимитлари) ва амортизация ҳисобини нотўғри қўллаш механизмларини ўрганади ва аниқлади;

юридик шахслар томонидан ҳисобга олинмаган (яъни, тасдиқловчи хужжатлари бўлмаган) маҳсулотлар (товарлар)ни сотиш механизmlарини ўрганади ва аниқлади;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ инспекцияларида ҳисобга туришдан бўйин товлаётган механизmlарини аниқлади;

хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)га хужжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишлар олиб борилаётганда уларнинг хукуқ ва мажбуриятларини тушунтиради;

хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)ни хужжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишлар натижалари билан таништиради;

(3.1-банднинг йигирманчи хатбоиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 291-сонли қарорига асосан чиқариб ташланган — ЎР ҚҲТ, 2001 й., 13-сон, 88-модда)

қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигига риоя қиласди;

солиқ қонунчилиги бузилишлари тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошка ахборотларни текширади;

Ўзбекистон Республикасининг солиқ масалалари бўйича қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади;

Бош бошқарманинг назорат-тафтиш бўлинмалари кадрларини танлаш ва жойжойига қўйиш ишларida қатнашади;

таҳлилий ишларни олиб боради, ҳужжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишлар материалларини умумлаштиради ва аниқланган ўзига хос солиқ бузишлар бўйича уларни бартараф этиш ва бундан кейин уларга йўл қўймаслик юзасидан белгиланган тартибда таклифлар тайёрлайди;

Давлат солиқ қўмитасининг тегишли хизматлари билан биргаликда Бош бошқарма ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг малакасини ошириш бўйича касбий ўқишларини ташкил этади;

назорат-тафтиш ишлари бўйича статистика маълумотларини йиғиш ва мукаммаллаштиришнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этади;

ҳужжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишларда иштирок этиш учун Давлат солиқ қўмитаси бўлинмаларининг бошка ходимларини Давлат солиқ қўмитаси раҳбарияти билан келишган ҳолда жалб этади;

Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан тасдиқланган ишлар номенклатурасига мувофиқ иш юритилишини таъминлайди;

Бош бошқарма ва унинг жойлардаги таркибий бўлинмалари томонидан қилинган ишлар тўғрисидаги маълумотларни муентазам умумлаштириб боради ва уларни ҳар чорақда тайёрлайди.

IV. Бош бошқарманинг ҳуқуқлари

4.1. Бош бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва бажарадиган функцияларига мувофиқ қуидаги ҳуқуқларга эга:

солиқ тўловчилардаги молия ҳужжатларини, шартномалар (контрактлар), бизнес-режалар, сметалар, даромадлар тўғрисидаги декларацияларни, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ бошка ҳужжатларни белгиланган тартибда текшириш (шу жумладан, солиқ тўловчи билан боғлиқ субъектлардаги ҳужжатларни муқобил текшириш), текширишлар чоғида пайдо бўладиган масалалар бўйича зарур тушунтириш хатлари, маълумотномалар ва маълумотлар олиш;

текширишларни ўтказиш вақтида юридик ва жисмоний шахслардан ҳўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) фаолиятига тааллуқли маълумотлар, маълумотномалар, ҳужжатлар олиш ва улардан нусхалар олиш;

(4.1.-банднинг учинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)

банк ва бошка кредит-молия муассасаларидан ҳўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)нинг ҳисоб-китоб ва бошка хил счётларида амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда олиш;

божхона органларидан ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигидан импорт-экспорт операцияларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотларни ва ҳўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) хақидаги бошка ахборотларни белгиланган тартибда олиш;

солиқ қонунчилиги бузилишига йўл қўяётган ҳўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)дан даромад (фойда) ва солиқ олишининг бошка обьектлари,

шунингдек, хуқуқ бузишлар яширилганлигидан далолат борувчи хужжатларни, шунингдек, хуқуқни бузиш ашёларини белгиланган тартибда олиб қўйиш;

зарур ҳолларда кассаларни ва касса хоналарини, омборларни, архивларни муҳрлаб қўйиш, қалбакиликлар ва бошқа сунистеъмолликлар аниқланганда хужжатларни олиб қўйиш, текширилаётган хўжалик субъектлари раҳбарларидан асосий воситаларни, товар-моддий бойликларни, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни хатловдан ўтказишни талаб қилиш;

товарлар, буюмлар, хом ашё, материаллар ва ярим фабрикатлар намуналарини, шунингдек, хужжатларни текширишлар, тадқиқотлар ва экспертизалар ўтказиш учун олиб қўйиш;

хўжалик юритувчи субъектлар (солик тўловчилар) (шу жумладан, алоҳида режимда ишлайдиган (корхоналар)нинг даромад (фойда) кўриш учун фойдаланиладиган ёхуд солик солиши обьектларини сақлаш билан боғлиқ ишлаб чиқариш, омборхона, савдо ва бошқа жойларини ва ўринларини, улар жойлашган жойдан қатъи назар, текшириш, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларни назорат тартибида ўлчаш ва товар-моддий бойликларни хатлаш;

хўжалик юритувчи субъектлар (солик тўловчилар)дан аниқланган қонун бузилишлари бартараф этилишини талаб қилиш;

хўжалик юритувчи субъектлар (солик тўловчилар)нинг улар хужжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишларни ўтказишга ёки текшириш учун давлат солик хизмати органлари мансабдор шахсларини даромад (фойда) кўриш учун фойдаланиладиган ёхуд солик солиши обьектини сақлаш билан боғлиқ хоналар ва жойларга киришига тўскенилик қилган, давлат солик органларига ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига текширишларни ўтказиш вақтида молиявий ҳисоботлар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа хужжатларни тақдим этмаган (ёки тақдим этишини рад этган) ҳолларда уларнинг банклардаги ва бошқа молия-кредит ташкилотларидаги ҳисоб-китоб ва бошқа счёtlар бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш тўғрисида судга мурожаат қилиш (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг аниқланган ҳоллари бундан мустасно);

(4.1.-бандининг ўн биринчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сонли қарори таҳририда — ЎРҚҲТ, 2006 й., 46-47-сон, 458-модда)

қурилиш, монтаж, тузатиш ва бошқа ишларни назорат тариқасида ўлчаш учун мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш;

иктисодий соҳалардаги жиноятчиликка қарши курашда қонун хужжатларида белгиланган тартибда илмий-техника воситалари ва усууларидан фойдаланиш;

аниқланган хуқуқ бузилишлар фактлари бўйича тушунтиришлар олиш учун солик хизмати органларига мансабдор шахслар, фуқароларни қонунда белгиланган тартибда таклиф қилиш;

Давлат солик хизмати солик органлари тизимидағи исталган хужжатдан фойдаланиш;

давлат солик хизмати органларининг телекоммуникация воситалари ва компьютер технологияларидан фойдаланиш;

Маҳаллий ахборот тармоқларидан фойдаланиш ва ўз маълумотлар базасини ташкил этиш;

солик органларининг барча тизими каби айрим таркибий бўлимларига, худудий органларига ҳам тааллуқли бўлган масалаларни Давлат солик қўмитаси раиси ва ҳайъат кўриб чиқиши учун тақдим этиш ва улар кўриб чиқилаётганда иштирок этиш;

Бош бошқарма ваколатига тегишли материалларни умумлаштириш, тегишли солик органларининг раҳбариятига уларнинг ташкилий амалий фаолиятини янада яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.

4.2. Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларига «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси **Қонунида** белгиланган бошқа ҳуқуқлар ҳам берилади;

V. Жавобгарлик

5.1. Бош бошқарма ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар.

5.2. Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари:

ўз функционал вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги;

мазкур Низом ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаганлиги;

раҳбарият топшириқларининг ўз вақтида амалга оширилиши бўйича зарур назоратни таъминламаганлиги;

ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга моддий ва маънавий зарар етказганлиги;

ишлаб чиқариш ҳажмларини пасайтирганлиги ва хўжалик юритувчи субъектлардаги солиқ солиш базасини камайтирганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ бўлмаган қарорлар қабул қиласланлиги;

ҳуқуқни бошқача тарзда бузганлиги учун жавоб берадилар.

5.3. Бош бошқарма ходимлари томонидан ўз хизмат ваколатларининг ошириб юборилиши, шунингдек, уларга юкланган функционал вазифаларнинг бажарилмаслиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий ёки жиноий жавобгарликка олиб келади.

VI. Бош бошқарма фаолиятини ташкил этиш

6.1. Бош бошқарма тузилмаси ва унинг штатдаги ходимлари сони Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади. Бош бошқарма қўйидагилардан ташкил топади:

Ҳужжатлар бўйича текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш бошқармаси;

(6.1-банднинг иккинчи хатбоши *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда*)

Назорат тартибидаги ва қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш бошқармаси;

Солиқ текширувлари натижаларини таҳлил қилиш бўлими.

(6.1-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбоши *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда*)

6.2. Назорат-тафтиш бош бошқармасининг бошлиғи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

(6.2-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда*)

6.3. Бош бошқарма ўз ишини Давлат солиқ қўмитаси раҳбарияти томонидан тасдиқланадиган йиллик ва жорий иш режалари асосида олиб боради.

6.4. Бош бошқарма мансабдор шахсларининг иш ҳақи лавозим маошидан, маҳсус увононлар, кўп йиллик хизмати учун устамалар, бошқа қўшимча ҳақлардан иборатдир ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

6.5. Назорат-тафтиш бош бошқармаси ходимларига Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобига улар лавозим маошининг 20 фоизи миқдорида маҳсус устамалар белгиланади.

(6.5-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 апрелдаги 122-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 176-модда*)

6.6. Бош бошқарма ходимларига тадбиркорлик фаолиятининг ҳар қандай тури билан шуғулланиш, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўриндошлиқ бўйича ишлаш тақиқланади, илмий ва ижодий фаолият, ўқитувчилик фаолияти бундан мустасно.

6.7. Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни Давлат солиқ қўмитасининг бошқа бошқармалари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликда ҳал этадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил
5 майдаги 180-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органларида
хизматни ўташ тўғрисида**

НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси солиқ органларида хизматга қабул қилиш тартибини ва мансабдор шахслар томонидан давлат хизматини ўташ шарт-шароитларини, уларнинг масъулиятини, шунингдек, уларга маҳсус увонлар бериш ва улардан маҳрум қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мансабдор шахсларнинг уларнинг солиқ органларидағи хизмати билан боғлиқ ҳукуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси **Қонуни** ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

2. Ушбу Низомда қўйидаги таърифлардан фойдаланилади:

раҳбарлик лавозимлари — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси, раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, бош бошқармалар бошликлари, бошқармалар, бўлимлар бошликлари, уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошқарма ва бўлимларининг, давлат солиқ инспекцияларининг, давлат солиқ инспекциялари бўлимларининг бошликлари, бошлиқ ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошқарма ва бўлимларининг» сўзларидан кейин «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлимларининг бошликлари ва ўринбосарлари.

(2-банднинг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚХТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

инспекторлар таркиби лавозимлари — давлат солиқ хизмати барча даражалардаги органларининг солиқ хизмати инспекторлари.

3. Солиқ органларининг мансабдор шахсларига солиқ органларида штатдаги лавозимларни эгаллаб турган шахслар киради ва уларга эгаллаб турган лавозимларига ҳамда узоқ муддат ишлаганлигига мувофиқ равишда қўйидаги маҳсус увонлар берилади:

- солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг I даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг II даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси;
- солиқ хизматининг I даражали инспектори;
- солиқ хизматининг II даражали инспектори;
- солиқ хизматининг III даражали инспектори;

солиқ хизматининг инспектори.

II. Хизматга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, раис ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ушбу банднинг **биринчи** ва **иккинчи** хатбошида санаб ўтилмаган мансабдор шахслари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бўлимлари бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлимлари мансабдор шахслари, туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари белгиланган тартибида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг бўйруғи билан тайинланадилар.

Давлат солиқ хизмати органларининг ушбу банднинг **биринчи** — **учинчи** хатбошида санаб ўтилмаган мансабдор шахслари давлат солиқ хизмати тегишли органи раҳбари томонидан тайинланадилар.

(4-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда* — *ЎР КҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда*)

5. Солиқ органларида хизматга ёши, миллати, жинси, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ва мансаб мавқеидан қатъи назар, ўзларининг касб, ишчанлик, шахсий ва ахлоқий сифатларига, маълумоти даражасига ва саломатлигига кўра давлат солиқ органларига юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга қодир бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар.

6. Давлат солиқ органларининг инспекторлар таркиби лавозимлари ўрта маҳсус даражадан кам бўлмаган иқтисодиёт, молия ёки юридик ихтисос бўйича маълумотга эга бўлган шахслар томонидан танлов асосида эгалланади.

Солиқ органларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган шахслардан ташқари, раҳбарлик лавозимлари олий иқтисодиёт, молия ёки юридик маълумотга эга бўлган шахслар томонидан танлов асосида эгалланади.

(6-банднинг иккинчи хатбоши *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда* — *ЎР КҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда*)

Танлов синовлари ўтказиш ва хизматга қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлар таркиби олий иқтисодиёт маълумотига ҳамда солиқ органлари назорат хизматларида, Марказий аппарат ходимлари учун— камида 5 йил ва минтақавий бўлинмалар ходимлари учун— камида 3 йил, умумий иш стажига эга бўлган юқори малакали мутахассислардан бутланади.

7. Қуйидаги шахслар:

судланган, уни ўтамаган ёхуд Қонунда белгиланган тартибида олиб ташланмаган; белгиланган тартибида меҳнатга лаёқатсиз ёки меҳнатга лаёқати чекланган деб эътироф этилган;

меҳнат қонунчилигига мувофиқ илгари иш берувчи ташаббусига кўра солиқ органларидан бўшатилган (Меҳнат кодекси 100-моддаси 2-қисменинг 1, 2 ва 5-бандлари бўйича бўшатилган ҳоллар бундан мустасно) шахслар солиқ органларига хизматга қабул қилинмайдилар.

8. Тегишли солиқ органи хизмат қилаётган шахс билан меҳнат шартномаси тузади.

Давлат солиқ органларида хизмат қилиш тўғрисидаги намунавий меҳнат шартномаси шакли Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан белгиланади.

9. Солиқ органларига хизматга қабул қилинаётган шахслар штатдаги лавозимга меҳнат шартномасига мувофиқ уч ой синов муддати билан тайинланадилар, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган шахслар бундан мустасно.

(9-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)*

10. Солиқ органига хизматга қабул қилинган шахсга бутун хизмат даври учун шахсий табель тартиб рақами берилади.

III. Хизматни ўташ

11. Давлат солиқ органларида штатдаги лавозимга тайинлашда қўйидаги талабларга риоя қилинади:

солиқ органларининг мансабдор шахси вазифани асосий ёки турдош ихтисос бўйича олинган маълумотга мувофиқ ёхуд мавжуд иш тажрибасига мувофиқ бажариши керак. Бошқа ихтисос бўйича вазифаларни бажариш зарурати бўлганда улар қайта тайёрлаш ва тажриба орттиришдан ўтадилар;

mansabדור шахслар янада юқори раҳбарлик лавозимига тасдиқлангунгача ушбу лавозимни бажариб турувчи этиб тайинланишлари мумкин, бунда уларнинг вазифаларни бажариб туриш узлуксиз муддати уч ойдан ошмаслиги керак;

яқин қариндош бўлган ёки яқин қариндошлиги бўлган (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) солиқ органлари мансабдор шахсларининг, агар уларнинг хизмати бир-бирига бевосита бўйсуниш ёки назоратда бўлиш билан боғлиқ бўлса, айнан бир солиқ органида хизматни ўташига рухсат этилмайди.

12. Мансабдор шахсларни хизмат бўйича кўтариш уларнинг амалий ишда намоён қилган қасбий, ахлоқий ва ишчанлик сифатларига қараб амалга оширилади.

13. Ишчанлик ва ахлоқий сифатларини, қасб бўйича хизматга лаёқатини баҳолаш ҳамда шахсий қобилияти ва иш тажрибасига мувофиқ оқилона жойлаштириш учун солиқ органларининг мансабдор шахслари ҳар уч йилда камида бир марта аттестациядан ўтказилади. Навбатдан ташқари аттестациялар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорига биноан ўтказилади.

Солиқ органларининг мансабдор шахсларини аттестациядан ўтказиш асослари ва тартиби Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан тасдиқланадиган Солиқ органларининг мансабдор шахсларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ белгиланади.

14. Солиқ органларининг мансабдор шахслари Давлат солиқ қўмитаси ўқув юртларида ёки бошқа ўқув юртларида, курсларда, семинарларда Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланадиган тартибда ва шарт-шароитларда тайёргарлик, қайта тайёргарлик ҳамда малака оширишдан ўтадилар.

Солиқ органларининг мансабдор шахсларини жисмоний тарбия-спорт бўйича тайёрлаш уларнинг хизмат жойларида ёки Давлат солиқ қўмитаси ўқув юртларида, Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

15. Солиқ органларининг мансабдор шахсларига нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари қўлланиши мумкин. Рағбатлантириш ва интизомий жазолаш чоралари турлари, уларни қўллаш тартиби, шунингдек, солиқ органлари бошликларининг хизмат интизомини сақлаш бўйича ҳукуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги Давлат солиқ қўмитаси томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланадиган Давлат солиқ хизмати органларининг ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

16. Солиқ органларининг мансабдор шахсларини бошқа лавозимларга ўтказиш меҳнат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

IV. Солиқ органлари мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

17. Солиқ органларининг мансабдор шахслари:

Давлат солиқ хизмати органлари ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этишга; формали кийим-бош кийиб юришга мажбурдирлар. Кийим-бош билан таъминлаш нормалари ва уларни кийиб юриш, фарқловчи белгиларни тақиб юриш муддатлари Республика солиқ органларида формали кийим-бошни кийиб юриш тартиби тўғрисидаги Низом билан, Давлат солиқ қўмитаси томонидан ўрнатилган тартибда белгиланади.

18. Солиқ органларининг мансабдор шахслари учун:

бирон-бир тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш; корхоналар, муассасалар, ташкилотларда ўриндошлик бўйича ишлаш (илмий, ўқитувчилик ва ижодий фаолият билан шуғулланиш бундан мустасно);

ўз хизмат вазифаларини бажарганлик ёки бажармаганлик учун мукофотлар ёки хизматларни қабул қилиш;

қариндошлар, танишлар ва бошқа чет шахслар илтимосига кўра амалдаги қонун хужжатларига риоя этмаслик;

иш ташлашлар, сиёсий манифестациялар ва юришларни ташкил этиш ва уларда қатнашиш;

хизмат вазифаларини бажариш чоғида спиртли ичимликлар истеъмол қилиш;

республика солиқ органлари шаънига доғ туширувчи шахслар билан муносабат ўрнатиш;

солиқ органларида учинчи шахслар иши бўйича ишончли вакиллар ёки вакиллар бўлиш;

моддий-техника ва ахборот билан таъминлаш, молия воситаларидан, давлатнинг бошқа мол-мулкидан, шунингдек, хизмат ахборотларидан лавозим вазифалари билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

19. Солиқ органларининг мансабдор шахслари томонидан халқаро ва давлатлараро симпозиумларда, конференцияларда ҳамда иш (хизмат) тусидаги бошқа учрашувларда олинган 200 АҚШ долларига teng миқдордан ортиқ қимматбаҳо совғалар белгиланган тартибда бюджет даромадига ўтказилади, уларнинг мусобақаларда, ижодий ва касб бўйича танловларда олган шахсий совринлари бундан мустасно.

20. Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари хисобига давлат томонидан мажбурий суғурта қилинадилар.

(20-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 апрелдаги 122-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 176-модда)

21. Солиқ хизмати мансабдор шахсларига меҳнат таътиллари бериш тартиби меҳнат қонунчилиги билан белгиланади.

Мукофотлар, компенсациялар, моддий ёрдамлар бериш тартиби ва уларнинг манбалари Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахслари хизмат фаолиятини амалга ошириш муносабати билан тан жароҳатлари олганда ёки ҳалок бўлганда бир йўла бериладиган нафақалар тўлаш тартиби ва миқдорлари қонунчилик билан белгиланади.

22. Таркиб мансабдор шахсларининг ва улар оила аъзоларининг ҳаёти, саломатлиги, шаъни ва қадр-қимматини ушбу шахслар томонидан хизмат бурчини бажариши, муносабати билан жиной тажовузлардан муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан кафолатланади.

23. Солиқ органларининг мансабдор шахслари хизмат вазифаларини бажариш чоғида кўрсатган мардлиги ва жасорати, хизмат вазифаларини намунали адо этганлиги

учун қонунчиликка мувофиқ давлат мукофотларига тақдим этилиши ва рағбатлантирилиши мүмкін.

24. Солиқ органларининг мансабдор шахслари бошлиқларининг қасдан берилган ноқонуний тусдаги буйруқларини бажармаслик хуқуқига эгадирлар. Бу ҳолда улар юқори турувчи бошлиқлар буйругини бажармаганлик сабабларидан юқори органларни хабардор қилишга мажбурдирлар.

25. Солиқ органларининг мансабдор шахслари мансабдор шахсларнинг уларга нисбатан интизомий танбехлар, лавозимдан четлатиш ёки бўшатиш тўғрисида қабул қилган қарорлари юзасидан юқори ташкилотларга ва судларга шикоят беришга ҳақлидирлар.

26. Хизмат вазифаларини ёки хизмат бурчини бажариш муносабати билан солиқ органларининг мансабдор шахси мол-мулкига етказилган заар Узбекистон Республикаси республика бюджети маблағларидан тўланади, ушбу сумма кейинчалик айбор шахслардан ундирилади.

(26-банд Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 апрелдаги 122-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2016 й., 17-сон, 176-модда)

27. Солиқ органларининг мансабдор шахслари ушбу Низом ҳамда хизматни ўташ ва Кадрлар билан ишлап масалалари бўйича бошқа меъёрий хужжатлар талабларига аниқ риоя этилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.

28. Солиқ органларининг раҳбарлари ўзларига бўйсунувчи ходимларни хизмат учун хавфсиз, мақбул шарт-шароитлар билан таъминлашга, уларнинг солиқ хизмати тўғрисидаги қонунчиликда, бошқа хужжатларда ва ушбу Низомда назарда тутилган хуқуқларини муҳофаза қилишга, уларга хизмат бўйича кўтарилиш ва маданий ҳордиқ учун имкониятлар яратишга мажбурдирлар.

V. Давлат солиқ органларининг мансабдор шахсларига маҳсус унвонлар бериш ва уларни маҳсус унвонлардан маҳрум қилиш тартиби

29. Давлат солиқ хизмати органларининг малака тавсифномалари талабларига жавоб берадиган мансабдор шахсларига, аттестациядан ижобий ўтишган тақдирда, штатлар рўйхати бўйича эгаллаб турган лавозимини ҳисобга олган ҳолда олдинги унвонида хизмат қилиш муддати тугагач, тадрижий тартибда қўйидаги навбатдаги маҳсус унвонлар берилади:

Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати ва унга қарашли таълим муассасалари:

Штатдаги лавозим*	Маҳсус унвон
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси	Солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринbosари	Солиқ хизматининг I даражали давлат маслаҳатчиси
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринbosари	Солиқ хизматининг II даражали давлат маслаҳатчиси
Бош бошқарма бошлиғи, бошқарма бошлиғи, ишлар бошқарувчиси, Солиқ академияси проректорлари, солиқ коллежлари директорлари	Солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси
Солиқ академияси факультетлари деканлари, солиқ коллежлари директорларининг ўринbosарлари, бош бошқармадаги бошқарма бошлиғи, мустақил бўлим бошлиғи, юридик бўлим бошлиғи, раис котибияти мудири, раиснинг иқтисодиёт масалалари бўйича маслаҳатчиси, солиқ қонунчилиги бўйича бош эксперт, раис	Солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси

хузуридаги котибият референти, навбатчи қисм бошлиғи	
Бош бошқарма ёки бошқарма бўлими бошлиғи, мустақил ёки бошқармадаги бўлим бошлиғининг ўринбосари, раис ёрдамчиси, раиснинг биринчи ўринбосари ёрдамчиси, Солиқ академияси факультети деканининг ўринбосари, бош давлат солиқ инспектори, бош суриштирувчи, тезкор ходим, шўъба мудирлари, бош иқтисодчи, бош мутахассис	Солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси
Мустақил бўлим бошлиғининг ўринбосари, етакчи мутахассис, фуқаро муҳофазаси бўйича бош мутахассис, катта давлат солиқ инспектори, навбатчи қисм навбатчиси, катта суриштирувчи, етакчи бухгалтер, бош юрист-консультант, Солиқ академиясининг кафедра мудирлари, профессор ва доцентлари, солиқ коллежларининг катта ўқитувчилари	Солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси
Давлат солиқ инспектори, I тоифали мутахассис, I тоифали бухгалтер, навбатчи қисм навбатчисининг ёрдамчиси, Солиқ академияси ва солиқ коллежларининг ўқитувчилари	Солиқ хизматининг I даражали инспектори

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўлимлари, шунингдек туманлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги туманлар давлат солиқ инспекциялари аппарати:

Штатдаги лавозим*	Махсус унвон
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари	Солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчиси
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари, ўринбосарлари, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг бошқарма бошлиқлари, вилоятлар марказлари шаҳарлари давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари, 200 минг кишидан ортиқ аҳолиси бўлган шаҳарлар давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари, Тошкент шаҳридаги туманлар давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари	Солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси
Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошқарма бошлиқларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари мустақил бўлимлари ва шўъбалари бошлиқлари, Тошкент шаҳридаги туманлар давлат солиқ инспекциялари бошлиқларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари, шаҳарлар, вилоятлар марказлари давлат солиқ инспекциялари бошлиқларининг ўринбосарлари, 200 минг кишидан ортиқ аҳолиси бўлган шаҳарлар давлат солиқ инспекциялари бошлиқларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларининг тезкор ходимлари, бош бухгалтерлари, навбатчи қисмлари бошлиқлари	Солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси
Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошқармаларининг бўлим ва шўъба бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларининг давлат солиқ бош инспекторлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар давлат	Солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси

солиқ инспекциялари бошлиқларининг ўринбосарлари, давлат солиқ инспекциялари бўлимлари бошлиқлари, Солиқ академиясининг ахборот-ресурс маркази директори, бош суриштирувчилар	
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари давлат солиқ катта инспекторлари, етакчи мутахассислари, давлат солиқ инспекцияларининг давлат солиқ бош инспекторлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари мутахассислари, Солиқ академияси илмий кенгаши котиби, катта суриштирувчилар	Солиқ хизматининг I даражали инспектори
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаларининг давлат солиқ инспекторлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари давлат солиқ инспекцияларининг давлат солиқ катта инспекторлари, суриштирувчилар	Солиқ хизматининг II даражали инспектори
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари давлат солиқ инспекцияларининг давлат солиқ участка инспекторлари, етакчи мутахассислари	Солиқ хизматининг III даражали инспектори
Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари давлат солиқ инспекцияларининг давлат солиқ инспекторлари, I тоифали мутахассислари	Солиқ хизматининг инспектори

*Давлат солиқ хизмати органларида ишлайдиган, лавозими ушбу жадвалда қўрсатилмаган шахсларга маҳсус унвонлар эгаллаб турган лавозими бўйича тенглаштирилган мақомига мувофиқ берилади.

(29-банд *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)*

30. Давлат солиқ хизматининг мансабдор шахсларига:

бош давлат маслаҳатчиси, солиқ хизматининг I, II, III даражали давлат маслаҳатчиси унвонлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

солиқ хизматининг I, II, III даражали маслаҳатчиси, солиқ хизматининг 1 даражали инспектори унвонлари — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан;

солиқ хизматининг II ва III даражали инспектори, солиқ хизматининг инспектори унвонлари — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бош бошқармалари бошлиқлари томонидан берилади.

31. Мансабдор шахслар маҳсус унвонда хизмат қилишининг қўйидаги муддатлари белгиланади:

солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси — 4 йил;

солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси — 4 йил;

солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси — 3 йил;

солиқ хизматининг I даражали инспектори — 3 йил;

солиқ хизматининг II даражали инспектори — 2 йил;

солиқ хизматининг III даражали инспектори — 2 йил;

солиқ хизматининг инспектори — 1 йил.

Солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчиси, солиқ хизматининг I, II, III даражали давлат маслаҳатчиси учун маҳсус унвонларда хизмат қилиш муддатлари белгиланмайди

32. Маҳсус унвонда хизмат қилиш муддати унвон бериш тўғрисидаги буйруқ чиққан кундан бошлаб ҳисобланади. Мансабдор шахсларнинг пасайтирилган маҳсус унвонда бўлган вақти тикланган унвондаги хизмат муддатига қўшилмайди.

33. Раҳбарлик лавозимига янги қабул қилинган мансабдор шахсларга маҳсус унвон эгаллаб турилган штатдаги лавозими бўйича синов муддати тугагандан кейин берилади, инспектор маҳсус унвони бундан мустасно.

(33-банднинг иккинчи хатбоши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарорига асосан чиқарилган — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

34. Солик органларининг мансабдор шахсларига, янада юқорироқ унвон бериладиган лавозимга ўтказилганда ва тайинланганда, унга навбатдаги маҳсус унвонни, янги лавозимда бўлиш муддатидан қатъи назар, ва навбатда ва муддатларга риоя қилмасдан олиш хукуки берилади, лекин мазкур унвон унинг маҳсус унвонидан икки даражадан юқори бўлмаслиги керак.

35. Солик органларининг интизомини жазо олган ёхуд унга нисбатан жиноий иш қўзғатилган ёки қонунчиликни ёки хизмат интизомини бузганлик факти бўйича хизмат текшируви ўтказилаётган мансабдор шахсларини навбатдаги маҳсус унвонларни беришга ёки рағбатлантиришга тавсия этиш интизомий жазо олиб ташлангунгача ёхуд жиноий иш озод қилувчи асослар бўйича тўхтатилгунгача ёки хизмат текшируви тугагунгача амалга оширилмайди,

36. Истисно тартибида, солик органларининг ваколатли мансабдор шахслари навбатдаги маҳсус унвонларни муддатидан олдин ёки эгаллаб турилган штатдаги лавозим бўйича белгилангандан бир даража юқори унвонни қўйидаги мезонлар бўйича беришлари мумкин:

хизмат бурчини бажариш вақтида кўрсатган қаҳрамонлиги, жасорати ва мардлиги учун — эгаллаб турилган маҳсус унвондаги хизмат муддатидан қатъи назар;

хизмат вазифаларини вижданан бажаргани ва ишдаги юксак ютуқлари учун — маҳсус унвон бўйича белгиланган хизмат муддатининг камида ярми ўтгандан кейин.

Солик органларининг мансабдор шахсларига маҳсус унвон эгаллаб турилган штатдаги лавозим бўйича белгилангандан бир даража юқори унвон солик органларидағи хизматнинг бутун даври мобайнида факат бир марта берилиши мумкин.

37. Солик органи раҳбари ўз ходимларининг маҳсус унвондаги хизмат муддати тугагач навбатдаги унвон бериш бўйича тегишли хужжатларни тақдим этишга мажбуурdir.

Мансабдор шахсларни навбатдаги маҳсус унвон беришга тақдим этиш асоссиз равишда кечикирилган тақдирда, солик органи раҳбари меҳнат қонунчилигига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортилади,

38. Солик органларининг мансабдор шахсларига берилган маҳсус унвонлар уларда умрбод сақланиб қолади.

39. Давлат солик хизмати органларига хизматга қайтадан қабул қилинган шахсларда илгари берилган маҳсус унвонлар сақланади.

Бунда, агар эгаллаб турилган лавозим янада юқорироқ унвонни тақозо этса, у ҳолда ушбу унвон синов муддати тугагач берилади ва у илгариги маҳсус унвондан кўпи билан икки даража юқори бўлиши керак.

Агар эгаллаб турилган лавозим пастроқ маҳсус унвонни тақозо этса, у ҳолда хизматга қайтадан қабул қилинган шахсларда уларнинг илгари берилган маҳсус унвони сақланиб қолади.

40. Мансабдор шахсларга навбатдаги маҳсус унвон беришга тавсия этишини кечикириш, маҳсус унвонни бир даражага пасайтириш Давлат солик қўмитасининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари бошлиқлари томонидан ўз ваколатлари доирасида, тегишли даражадаги бошқарма раҳбарлари тақдимномасига биноан, хизмат бурчини бузганлик, хизмат вазифаларини зарур даражада бажармаганлик учун амалга оширилади.

Солик органларининг маҳсус унвони пасайтирилган мансабдор шахслари илгариги маҳсус унвонига Давлат солик қўмитасининг раиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солик бошқармалари бошлиқлари томонидан тегишли даражадаги бошқармалар раҳбарларининг тақдимномасига биноан тикланадилар.

Мансабдор шахсларнинг илгариғи маҳсус унвонга тиклангунларигача уларга навбатдаги унвон берилишига ёки уларнинг маҳсус унвони такроран пасайтирилишига йўл қўйилмайди.

41. Солиқ органларининг мансабдор шахслари маҳсус унвондан:

ходим ўз номига иснод келтирувчи қилмишлари учун давлат солиқ органларидан бўшатилганда;

жиноят содир этганлик учун — суднинг қонуний кучга кирган ҳукмiga биноан маҳрум этилиши мумкин.

42. Солиқ органларининг маҳсус унвонларга эга бўлган мансабдор шахсларига ҳар ойда маҳсус унвони ва узоқ йиллар хизмат қилганлиги учун устама ҳақ тўланади. Маҳсус унвон учун (маҳсус унвон берилган вақтдан бошлаб тўланадиган) ва узоқ йиллар хизмат қилганлиги учун (иш стажига кўра) устама ҳақ миқдорлари лавозим маошига нисбатан коэффициентлар билан (мазкур Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ) белгиланади.

Узоқ йиллар хизмат қилганлик учун устама ҳақ олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Давлат солиқ қўмитаси раиси томонидан касаба уюшмаси органи билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган Низомга мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

43. Солиқ органларининг Солиқ академиясига ва солиқ коллежларига ишга ўтказилган мансабдор шахсларида уларнинг илгариғи маҳсус унвони, шунингдек, маҳсус унвон ва узоқ йиллар хизмат қилганлик учун устамалар тўлаш тартиби сақланиб қолади. Солиқ академиясида ва солиқ коллежларида ишлаган вақт, солиқ органларига хизматга қайтиб келинганда, маҳсус унвондаги хизмат муддатига кўшилади.

(4-банд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 майдаги 98-сонли қарори таҳририда — ЎР ҚҲТ, 2010 й., 21-сон, 162-модда)

VI. Хизматдан бўшатиши

44. Солиқ органларининг мансабдор шахсларини хизматдан бўшатиши Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига мувофиқ амалга оширилади.

45. Жиноят содир этганлик учун суд томонидан жазоланган мансабдор шахслар, ҳукм қонуний кучга киргандан кейин солиқ органларидан бўшатиладилар.

46. Вафот этган, ҳалок бўлган ёки белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб эътироф этилган мансабдор шахслар солиқ органларининг ходимлар таркибидан чиқариладилар.

Ўзбекистон Республикаси давлат
солиқ органларида хизматни ўташ
тўгрисида Низомга
1-ИЛОВА

**Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг
лавозим маошларига маҳсус унвон учун ҳар ойлик устама ҳақ**

МИҚДОРЛАРИ

Маҳсус унвон номи	Лавозим маошига қўшимча ҳақ миқдори (коэффициент ҳисобида)
Солиқ хизматининг бош давлат маслаҳатчisi	0,65
Солиқ хизматининг I даражали давлат маслаҳатчisi	0,60
Солиқ хизматининг II даражали давлат маслаҳатчisi	0,55
Солиқ хизматининг III даражали давлат маслаҳатчisi	0,5

Солиқ хизматининг I даражали маслаҳатчиси	0,45
Солиқ хизматининг II даражали маслаҳатчиси	0,40
Солиқ хизматининг III даражали маслаҳатчиси	0,35
Солиқ хизматининг I даражали инспектори	0,30
Солиқ хизматининг II даражали инспектори	0,25
Солиқ хизматининг III даражали инспектори	0,20
Солиқ хизматининг инспектори	0,15

**Ўзбекистон Республикаси давлат
солиқ органларида хизматни ўташ
тўғрисида *Низомга*
2-ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органлари мансабдор
шахсларининг лавозим маошларига узоқ йиллар хизмат
қилганлик учун ҳар ойлик устама ҳақ**

МИҚДОРЛАРИ

Иш стажи	Лавозим маошига устама ҳақ миқдори (коэффициент ҳисобида)
3 йилдан 5 йилгача	0,05
5 йилдан 7 йилгача	0,15
7 йилдан 10 йилгача	0,20
10 йилдан 12 йилгача	0,25
12 йилдан 15 йилгача	0,30
15 йилдан 20 йилгача	0,35
20 йилдан ортиқ	0,40